ISSN: 2181-3906 2025

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 4 / ISSUE 7 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

# ЎЗБЕКИСТОН СИНГАПУР МУНОСАБАТЛАРИ

**Jahongirov B.B.**
O'zDJTSU., Professor v.b.
**Mirdjamolova N.Z.**
O'zDJTSU., Katta o'qituvchi.
***E-mail address:*** *burxon2016@gmail.com*
*https://doi.org/10.5281/zenodo.15808673*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги дипломатик, иқтисодий алоқаларининг асосий йўналишлари — савдо, инвестициялар ҳамда иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқий - тузилма жиҳатлари ва кейинги истиқболлари, таълим соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, олий ва умумтаълим, ходимлар алмашуви ҳамда малака ошириш йўналишлари, таълимни модернизация қилиш стратегияси, Сингапур таълим модели ва институционал тажрибасини ўраганиш борасида йўлга қўйилган кенг кўламли ҳамкорлик алоқалари, маданий ва гуманитар ҳамкорлик ва биргаликда маданий форумлар, меморандумлар алмашинуви, илмий - тадқиқот ва инновация соҳалардаги ҳамкорлик масалалари илмий -аналитик нуқтаи назардан ўрганилган.*

***Калит сўзлар:*** *дипломатия, иқтисод, ижтимой, сиёсий,маданий, гуманитар, савдо, инвестиция, ҳуқуқий, таълим, олий таълим, умумтаълим, модернизация, тадқиқиот, инновация, стратегия, ҳамкорлик.*

**Кириш**

Сингапур Ўзбекистон давлат мустақиллигини 1992 йил апрелда тан олгандан беш йил ўтиб, 1997 йилда дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди. Бу эса икки давлат ўртасида умумий манфаатларга асосланган стратегик шерикликка асос бўлди. 2007 йилда Ўзбекистон биринчи Президенти Ислом Каримовнинг давлат ташрифи билан Сингапурга боради ва ташриф давомида кўплаб турдаги шартномалар имзоланди. Масалан, инвестицияни ҳимоя қилиш, ҳаво алоқаси, иктисодий-ҳуманитар ҳамкорлик қилиш шулар жумласидандир.

**Натижа ва муҳокама.**

2022 йилда Ўзбекистоннинг Сингапурдаги элчихонаси очилди. Ҳозиргача президентлар ўртасида бир неча давлат ташрифлари амалга оширилди. 2023 йил январда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Сингапурга ташриф буюрган бўлса, 2023 йил май ойида Сингапур раҳбари Халимаҳ Яқобнинг Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.

2024 йил ҳолатига кўра, сингапурлик инвесторлар билан 250 дан ортиқ электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат, механизациялар соҳаларидаги қўшма корхоналар фаолият олиб борди. 2023 йилда инвестиция ва хизматлар бўйича янги 500 млн АҚШ долларлик компания ташкил этилди. Экпорт-импорт алоқалари 2024 йилда жами 209,5 млн долларни ташкил этган, импорт эса 18.3%га ўсди. Иқтисодий муомалада EAEU-Сингапур эркин савдо шартномаси доирасида тадбирлар, бизнес форумлар ўтказилмоқда.

2007 йилдан бери Тошкентда MDIS филиали фаолият юритиб, у 5 000 дан ортиқ талабаларга хизмат кўрсатиб келмоқда. 2018 йилда "Smart City" ва электрон ҳукумат

соҳасидаги тажрибаларни ўрганиш мақсадида давлат органлари Сингапурга делегация юборди. 2025 йилда IT Park Uzbekistan делегацияси Сингапурда конференцияда иштирок этди ва Enterprise Singapore ва Singapore Business Federation компаниялари билан алоқалар ўрнатди.

Парламентлараро алмашинувларни йўлга қўйиш мақсадида 2009 йилда Сингапур парламенти спикери ташриф буюрди.

2023 йилда диний ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш ишлари келишиб олинди. 2023 йилги ташрифлар доирасида туризм, маданият, хавфсизлик ва қонунчилик соҳалари бўйича 8 та янги меморандум имзоланди.

2021 йилда икки томонлама савдо йиллик 179,2 млн АҚШ доллари, 2022 йилда эса импорт кескин камайиб, 142,7 млн АҚШ доллари ташкил этган бўлса, 2023 йилда эса экспорт ҳажми 29,62 миллион АҚШ долларни ташкил этди. Охирги йилларда ўсиш динамикаси мавжуд.

Охирги 6 йилда Сингапурдан Ўзбекистонга 700 млн АҚШ доллари миқдорида инвестициялари киритилган. Электротехника, озиқ овқат, ёғочсозлик соҳаларидаги Сингапур томонидан молиялаштирилган 20 дан ортиқ корхона 2017 йилда ташкил этилган.

Indorama Corporation Қўқон суперфосфат заводини модернизациялаш учун 30 млн АҚШ доллари, TMC институти иккинчи кампус учун 8 млн АҚШ доллари сарфлади. 2003 йилдаги Узбекистон - Сингапур инвестицияларни ҳимоя қилиш битими (БИТ) икки томонлама тўғри инвестициялар учун асосий ҳуқуқий кафолатни яратди. Ўзбекистон АСЕАН ёки Сингапур каби иқтисодий интеграция структураларига ҳамкорлик қилди.

2024 йил июнида Ўзбекистон Мактабгача ва Мактаб таълими вазирлиги ва Сингапур бизнеси Marshall Cavendish Education ўртасида таълим дастурларини модернизация қилиш бўйича меморандум имзоланди. Ушбу ҳамкорлик доирасида:

• Сингапурнинг Математика ва Фан ўқув дастурлари жорий этилиши;
• Ўқитувчилар ва лидерлар учун мастер-траинер курслари ташкил этилиши;
• АИ ва рақамлаштирилган ечимлар интеграцияси назарда тутилган.

Ташаббус доирасида 300 мактаб раҳбарлари, 400 лидер - мураббий тайёрланмоқда. 2007 йилда Тошкентда очилган MDIS филиали 5000 талабани қамраб олиб инглиз тилида курслар ташкил қилинди.

BSc Banking & Finance, MBA Hospitality соҳалари бўйича 17 та бакалавр ва магистратура йўналишлари, халқаро илмий-амалий конференсиялар ташкил қилиш, FCS-Experts компанияси билан имзоланган меморандум MDIS талабалари учун амалиёт, меҳмон маърузалар ва стажировкалар ташкил этилди.SQB банки билан MDIS ўртасида банк мутахассисларининг малакасини ошириш ва молиявий таълим бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. TMC  Академия 7000 талабани қамраб олган 3 та  янги кампусини ташкил этди. Singapur Cooperation Enterprise орқали давлат сектори, жумладан, Smart City ва электрон ҳукумат соҳаларида мутахассислар тайёрланмоқда. Экология, сув ресурслари, қайта тикланадиган энергия ва таълим инфратузилмасини ривожлантириш RSIS (Сингапур) тадқиқотлари маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида “Маданий ҳамкорлик меморандуми 2023 - 2026” имзоланган.Ушбу ҳужжатлар икки давлат маданий соҳадаги алмашувларини тизимлаштиришга хизмат қилади. Сингапурнинг ижодий жамоалари мунтазам равишда “Sharq taronalari” ҳар йили Наврўз арафасида ташкил этиладиган Марказий Осиё маданият кунларида икки давлат фаол иштирок этиб келмоқда. Қорақалпоғистон ва Президент мактаблари учун “Six Clouds” орқали инглиз тили ва STEM соҳасида онлайн платформалар махсус дастурлар жорий қилинган. 2023 йилда Тошкентда “Марказий Осиё – умумий ўтмиш, умумий келажак” шиори остида маданият ва гуманитар платформа ташкил этилди, унда Сингапур ҳам фаол иштирок этди.

Ўзбекистон ва Сингапур муносабатларида илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик сўнгги йилларда кескин кучайди. Жаҳон илмий ҳамжамиятининг илғор тажрибаларини мамлакатга жорий этиш, янги илмий марказлар ва R&D лойиҳа кўприкларини яратиш асосий мақсад қилиб олинди.

2025 йил мартда Ўзбекистон делегацияси Сингапурга ташриф буюриб, биомолекуяр ва регенератив тиббиёт бўйича илғор тажрибаларни ўрганди. Улар билан NCIS, NUHS, ACTRIS, Esco Lifesciences va Gene Oasis каби ташкилотларда учрашувлар бўлиб ўтди.

Хусусан, ҳужайра терапиялари, клиник синов жараёнлари, ГМП стандартлари ва регулятор қонунчилик амалиёти ўрганилди. Натижада, Ўзбекистонда Регенератив Тиббиёт маркази ташкил этиш режалаштирилди. Яқинда Ўзбекистон ва Сингапур яримўтказгич саноатини ривожлантириш бўйича меморандум имзолади.

Экология, сув ресурслари, қайта тикланадиган энергия ва илмий-кадрлар тайёрлаш бўйича Сингапурнинг RSIS ва Enterprise Singapore каби ташкилотлари билан ҳамкорликда платформалар яратилмоқда. Ички ишлар вазирлиги академияси Сингапур ИИВ академияси билан киберхавфсизлик, инновацион усуллар ва таълим алмашуви бўйича меморандумлар имзолади. Олий Мажлис, Стратегик тадқиқотлар институти ва RSIS ўртасида илмий-амалий давра суҳбатлари фаол йўлга қўйилмоқда, бу эса ҳуқуқий янгиланишлар ва илм-фан стратегиясини очиб беришда муҳим рол ўйнайди.

**Хулоса**

Ўзбекистон - Сингапур муносабатлари 33 йил давомида барқарор ривожланиб, дипломатиядан айланиб, иқтисод, таълим, рақамлаштириш ва маданий-гуманитар соҳаларга кенгайди. Кўп қатламли шериклик сиёсий ва иқтисодий манфаатларга асосланган бўлиб, келажакда рақамли инновациялар, миллий инновацион технопарклар ва илмий тадқиқотларда координацияни кучайтириш истиқболларини белгилаб берди.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Жаҳонгиров Б. Б. Научно-технические связи Узбекистана с зарубежными странами //Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т. 6. – №. 8. – С. 284-288.
2. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг япония билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 312-318.

3. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистонннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 986-994.
4. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий–техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида) //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 5-2. – С. 823-829.
5. Жаҳонгиров Б. Б., Турғунов Т. А. Ўзбекистоннинг осиё мамлакатлари билан илмийтехникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1010-1021.
6. Жахонгиров Б. Б. Ўзбекистон фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий алоқалари. ҚарДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар) //КдрДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).-К, арши. – 2020. – С. 254-258.
7. Джахангиров Б. Б. Международные связи Узбекистана в области науки //international scientific and practical conference" the time of scientific progress. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 15-19.
8. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг ҳиндистон билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 1058-1065.
9. Жаҳонгиров Б. Б., Бўронов А. Б. Ў. Ўзбекистоннинг хитой билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 372-379.
10. Жахонгиров Б. Б. Узбекистонда илм-фан холати, тараккиёт йуналишлари (1980-2010 йиллар) Монография." //Монография." Qaqnus media" нашриёти, Тошкент. – 2020.
11. Жахонгиров Б. Б. Научно-техническое сотрудничество узбекистана с зарубежными странами //Наука и образование: проблемы и тенденции развития. – 2016. – №. 1. – С. 18-20.
12. Jahongirov B. Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. C8. – С. 211-215.
13. Мирджамалова.Н.З.Туркистон жадид фалсафасида хотин-қизларга оид ижтимоий таълимотлар тизими international scientific journal «Modern science and research» volume 4 / issue 1 / uif:8.2 / modernsc ienissn: 2025.-B.2181
14. Мирджамалова.Н.З.Миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактаб таълимининг ўрни. Modern science and research» volume 4 / issue 1 / uif:8.2 / modernsc issn:2024.-Б.2184
15. Миджамалова Н.З. “Influence of health aerobics on the development of endurance in women aged 25-30”. Mental enlightenment scientific.-B.193
16. Мирджамалова Н.З. “Xotin-qizlar orasida sog‘lom turmush tarzini olib borishda - jismoniy tarbiya va sportning ro‘li”. “Спортда илмий тадқиқотлар” журнал. 2023.-B.85
17. Мирджамалова Н.З “Хотин-қизлар ҳаётида соғломлаштирувчи жисмоний машқларнинг аҳамияти”.“Спорт ва Медицина” журналида. 06.2023.-B.87
18. Мирджамалова Н.З Оздоравительная аэробика: содержание и методика. “FAN-SPORTGA” ilmiy-nazariy jurnal.2023/3.-B.44
19. Mirdjamolova N.Z Sportchi talabalarning mahoratini oshirishda ijtimoiy va tabiiy-ilmiy fanlarni qo’llash borasida ilmiy tadqiqotlarning ahamiyati International scientific journal «Modern science and research» volume 4 / issue 6 / uif: 8.2 issn: 2025.2185.
20. Mirdjamolova N.Z “Xotin-qizlar ijtimoiy xayotida sog‘lomlashtiruvchi jismoniy mashqlarning ahamiyati” “Ijtimoiy ish va zamonaviylik: nazariya va amaliyot”

ISSN:
2181-3906
2025

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 4 / ISSUE 7 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami 2025-yil 18-mart.-B.300.

21. Мирджамалова Н.З Хотин-қизлар саломатлиги ва жисмоний маданият “ijtimoiy fanlar социальные науки social sciences” 2024/4(12).-B.96
22. Kazakov R. T. et al. Multimedia systems and distance learning techniques in sports sox //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.
23. Казоқов Р. Т. и др. Мамлакатимиз янада юксалишида болалар спортининг ўрни //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
24. Казоқов Р. Т. и др. Педагогика олий таълимда кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларининг натижалари //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
25. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
26. Казоқов Р. Т., Мирзабдиллаева А. И., Мирзабдиллаева Х. И. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларда миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланиш //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
27. Казоқов Р. Т. и др. Педагогика олий таълимда кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларининг натижалари //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
28. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta’limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.
29. Казоқов Р. Т. и др. Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати //golden brain. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
30. Казоқов Р. Т., Жўрақўзиев О. О., Эшпўлатов С. С. Спорт муассасаларида тарбиявий тадбирларда миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланиш //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.
31. Казоқов Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р. Кураш миллий спорт турини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари // миллий кураш турлари ва уларнинг назарий-амалий муаммолари. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.